

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupunova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 34.Канимкулов О.Ш.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ
ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....278
- 35.Камолов Ж.М.**
ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....286
- 36.Курязова Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ
МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ...292
- 37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.**
БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ
ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА
ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....299
- 38.Исматова Н.К.**
ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА
ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....307
- 39.Исматуллаев Ф.О.**
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....319
- 40.Кадирова М.Т.**
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР
ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....329
- 41.Каромов Ф.Ҳ.**
ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....334
- 42.Мажидов Ш.Ф.**
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ
ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....340
- 43.Мамадаминова Б.**
ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ
ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....345
- 44.Mattiyev O'.B.**
TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING
GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUIJATLARIDA YORITILISHI.....353

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Валихонова Гулнорахон Комилжоновна,
ТошДАУ Андижон филиали доценти, PhD

РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ

For citation: Valikhanova Gulnorakhon Komilzhonovna. A LOOK OF RUSSIAN TRAVELERS AND MILITARY TO THE SITUATION IN EASTERN TURKESTAN. Look to the past. 2020, SI, pp. 214-219

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-25>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф тарихий-илмий, архив манбалари асосида Россия империясини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Шарқий Туркистон билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйиш борасидаги уринишлари, бу борада Император ҳузуридаги География жамияти аъзолари ва ҳизмат вазифаларини ўтаётган ҳарбийларни жалб этилганлиги, шунингдек, мустамлакачилик нуқтаи назаридан сиёсий вазиятни кузатиш ва ўрганиш, ҳамда доимий хабардор бўлишга уринишлари илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Шарқий Туркистон, Қашқар, уйғур, сиёсий, кўзғолон, савдо, иқтисодий, география жамияти, ҳарбий.

Валиханова Гульнорахон Комильжоновна,
доцент Андижанского филиала
Ташкентского государственного
аграрного университета, PhD

ВЗГЛЯД РУССКИХ ПУТЕШЕСТВЕННИКОВ И ВОЕННЫХ К СИТУАЦИИ НА ВОСТОЧНОМ ТУРКЕСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье автор, на основе научно-исторических и архивных источников изучает усилия Российской империи по установлению дипломатических отношений с Восточным Туркестаном, для чего имперское правительство привлекли членов

при Императорском географическом обществе и военнослужащих. А также в статье автором были сделаны мониторинг сведений по политической ситуации в регионе и составлены сведения групп с точки зрения колониальной политики империи.

Ключевые слова: Восточный Туркестан, Кашкар, уйгур, политический, восстание, торговля, экономика, географическое общество, военное.

Valikhanova Gulnorakhon Komilzhonovna,
Associate Professor of Andijan Branch
Tashkent state
Agricultural University, PhD

A LOOK OF RUSSIAN TRAVELERS AND MILITARY TO THE SITUATION IN EASTERN TURKESTAN

ABSTRACT

In the article, the author, based on scientific, historical and archival sources, studies the efforts of the Russian Empire to establish diplomatic relations with East Turkestan, for which the imperial government attracted members of the Imperial Geographical Society and military personnel. And also, in the article, the author made monitoring of information on the political situation in the region and compiled information of groups from the point of view of the colonial policy of the empire.

Index Terms: Eastern Turkestan, Uighur, Kashkar, rebellion, trade, political, economical, Geographical Society, military.

Долзарблиги. Маълумки, уйғурлар туркий халқлардан бири бўлиб, Шарқий Туркистоннинг туб жой аҳолиси ҳисобланади. Географик жиҳатдан бир - бирига жуда яқин жойлашган Шарқий Туркистон ва Фарғона водийси ҳудудларида яшовчи барча этнослар қадимдан ўзаро сиёсий-иқтисодий, қизгин маданий ва этногенетикалоқада бўлганлар. Шарқий Туркистоннинг қулай географик жойлашуви, савдо-сотик ишларининг мунтазам олиб борилиши яқин атрофдаги давлатларни, айниқса Жунғор(1635-1758)хонлари ва хитой-манжурларининг диққат эътиборини тортган. Уйғурларнинг асл Ватани хитой-манжур(Чин империяси) қўшини томонидан 1755-1759 йилларда ўлкани тўлиқ босиб олиб, ўлкада янги "Синьцзян" деб номланган ҳарбий-маъмурий бошқарув ташкил қилинади[1]. Хитойда ҳукмронлик қилаётган Цин деб аталган империя ўлкадаги мавжуд хонликларни йўқ қилиб, 1644 йилдан 1911 йилга қадар ҳукмронлик ўрнатади. Бир неча юз йиллардан ортиқ давом этган босқинчилик, жабр зулм уйғур халқи вакиллариликда бир қисмини ўз ватанларини ташлаб ўзга ерларга кўчиб кетишга мажбур қилади.

Айни шу тарихий даврларда Хитой ва Чор Россияси манфаатлари Ўрта Осиё хонликларида тўқнаш эди. Ҳар икки давлат ҳам Қашқардаги вазиятни мустамлакачилик нуқтаи-назаридан таҳлил этиш ва кузатиб боришдан манфаатдор эди. Бундан ташқари яқин атрофдаги, қўшни минтақалардаги вазият Рус подшосини ҳам ташвишга солиши табиий. Шу боис, Россия ҳукумати Қашқардаги жараёнларни билишга, зарур бўлганда ўз манфаат ва мақсади йўлида ўзгартиришга тайёргарликда турарди. Мазкур ҳудуддаги назорат ишларини икки йўналишда

амалга оширилганини кузатиш мумкин.

- Бу борада Рус подшосига қарашли География жамияти анча илғор бўлиб, Қозонда ташкил этилган жамият аъзолари орасида асосан шарқшунослар кўп бўлиб, туркий, араб, форс тилларни яхши ўзлаштирган эдилар. Мазкур жамият аъзоларига юкланган асосий вазифалар асосан Шарқий Туркистондаги аҳолининг ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи, анъаналари, тили ва маданиятини тадқиқ этиш бўлса;

- Иккинчи, ўз хизмат вазифаларини ўтаётган ҳарбийлар ва вакилларининг Шарқий Туркистондаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол, мавжуд хонликлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳақидаги стратегик маълумотларни Россия ҳукумати тақдим этиш вазифаларини юклатилгани эди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақола тарихий-қийосий таҳлил, географик детерминизм, статистик-қийосий солиштириш шунингдек, фанлараро ёндашув, тавсифлаш ва қийослаш каби методларга асосланган.

3. Тадқиқот натижалари:

Аввало, Россия империяси ўз манфаати юзасидан Ўрта Осиё хонликлари билан муносабатларни йўлга қўйишга уринди. Ўлканинг географик, иқтисодий имкониятлари, халқларнинг турмуш тарзи, маҳаллий ҳукмдорлар ва сиёсий вазиятни ўрганиш, ҳамда доимий хабардор бўлиш мақсадида Император ҳузуридаги География жамияти аъзоларини бу ишларга сафарбар этган. Н.П.Прежевальский, М.В.Певцов, Грумм-Гржимайло, Ч.Ч.Валиханов, Д.А.Клеменц каби сайёҳлар Шарқий Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида бўлиб дастлабки маълумотларни берганлар[2]. Яна шунини таъкидлаш лозимки, Рус география жамияти аъзоларидан изидан француз, инглиз, немис, италян, япон сайёҳлари, масалан, Р.Шоу(1868-1899), Форсайт-Беллью(1870-1873), Штейн(1900) томонидан уюштирилган экспедицияларда ўлка ҳақида қизиқ ва қимматли маълумотларни йиғишга эришдилар. Гарчи сайёҳ сифатида ҳарбийлар билан бирга экспедицияга чиққан бўлсаларда, бу олимлар сиёсий қирғинларга гувоҳ бўлади. Баён этаётган ҳар бир маълумотларини сиёсий жараён билан боғлиқлигига эътибор қаратдилар. Сайёҳлар орасида Ч.Ч.Валиханов томонидан Қашқар ва унинг атрофларидаги сиёсий беқарорлик натижасида юзага келатган ҳунрезликлар аҳолини саросимага солаётганидан ташвишланган. Қашқар тахти ворислари бўлган хўжалар билан хитойлар ўртасида тўқнашувлар авжига чиқади. Ҳарбийлар кўзғолонларга қарши жиддий чоралар кўради. Айниқса, муваффақиятсиз чиқишлардан кейин исёнчи хўжалар халқ олдида қатл этилгани ҳақида Қашқар ўлакасида узоқ вақт сайёҳатда бўлган Ч.Валихановнинг маълумотларида келтирилади, Бунинг оқибатида, дейди сайёҳ - XIX асрнинг иккинчи ярми давомида 160 мингга яқин қашқарлик Фарғона водийсига қочиб келиб жойлашди[3]. Шарқий Туркистонда сайёҳатда бўлган рус олимлари ишларини тадқиқи асосида яратилган "Этнографическое изучение уйгуров Восточного Туркестана русскими путешественниками второй половины XIX века" номли мақолада Н.П.Прежевальский аҳоли моддий маданиятига оид қизиқарли далилларни баён қилади[4]. Шунингдек, бир неча йиллар Қашқарда яшаган М.В.Певцовнинг "Путешествия в Кашгарию и Кунь-Лунь" номли тадқиқотида аҳоли турмуши, маданияти, оилалари, умуман этнографиясига оид қимматли маълумотлар келтиради[5]. М.В.Певцов ва Ч.Ч.Валихановнинг сайёҳат маълумотлари, хотиралари бир-бирини такрорлаган бўлсада, оилавий-маиший турмушга оид, ҳудуд халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида маълумотлар

баён қилгани билан қимматлидир. Ҳар икки олимнинг ишлари ўлка тарихи ва этнографияси учун аҳамиятли бўлган ва катта материалларни йиғишга эришганидир. Худди шундай рус олими, география жамияти аъзоси, шарқ тилларини пухта эгаллаган А.Кун ҳам Россия иқтисодий манфаатларинингқўшни хонликлардаги стратегик ўрнини тадқиқ этишга киришган бўлсада, асосий эътиборни Қашқар ва Қўқон хонликлари масаласига қаратади. Қашқар савдосидан тушадиган фойдани ҳисобга олади. Ф.Назаровнинг Шарқий Туркистон хонликлари ва Қўқон ўртасидаги алоқалар эътиборини тортади, иккала хонликнинг мустаҳкам элчилик муносабатларини йўлга қўйилгани, бунинг таъкидлаган. Албатта бу маълумотлар хонликлар билан Россия муносабатларини йўлга қўйишга ҳизмат қилган. Ҳарбий соҳадан истеъфога чиққан В.В.Наливкин турмуш ўртоғи билан кўп йиллар давомида Қўқон хонлиги ҳудудида яшайди, ҳамда хонликнинг Қашқар билан сиёсий-иқтисодий муносабатларини эътиборсиз қолдирмаган. Қўқон хонининг хўжалар сулоласи ворисларига кўрсатган ғамхўрлигига гувоҳ эканини баён этади. Қўқон хонлари Умархон ва унинг ўғли Муҳаммад Алихон даврида Қашқар хони Жаҳонгирхўжани хон саройида муҳожирликда яшаган[6]. Жамият аъзоларидан яна бири, Мирза Шамс Бухорийнинг қайд этишича, Қўқон хонлари билан тузилган шартномада келишув бўлганига алоҳида эътибор қилган[7]. Бундан ташқари архив маълумотларида ҳам Цин ҳукумати Шарқий Туркистон шаҳарларидаги савдодан тушадиган божларни Қўқон хонига таклиф қилган ва эвазига хўжаларни ортга қайтишига йўл бермаслиги лозим қайдномалар мавжуд. Айни хўжа авлодлари ўртасидаги келишмовчилик, уларни икки гуруҳга бўлиниб кетиши ўлкадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатгани Мирза Шамс Бухорий томонидан ҳам қайд этилади.

Россия империясининг ҳарбий хизматчилари бўлган В.В.Вельяминов-Зернов, А.Кун, А.Хорошхин, В.В.Наливкин, А.Н.Куропаткин, Н.Н.Петровский, Н.Корнилов, А.Ласточкинлар бевосита ўзлари кузатган, гувоҳ бўлган хонликлардаги жараёнлар ҳақида баёнот бериб турган.

1876-1878 йиллари Россиянинг Қашқардаги Консули вазифасини бажарган А.Куропаткин фаолияти давомида "Кашгария" деб номланган ҳисобот тайёрлайди. Ушбу ҳисоботда ўлкадаги хўжа авлодларининг қўзғолонлари, савдо алоқаларининг Россия учун манфаатли томонлари, рус моллари савдоси, савдо ишларида "андижонлик" деб аталган савдогарлар гуруҳи ҳақида маълумотлар қайд этган. Ҳарбий вакил сифатида ўлкадаги сиёсий аҳволдан подшо ҳукуматини огоҳлантириб, Еттисув ва Фарғона водийсига кетаётган қочоқ аҳоли ҳақида хабарлар беради. Россия империясининг Қашқардаги вакили А.Н.Куропаткин "Довон ўта совуқ бўлганлиги сабабли уйғур қочоқлари йўлни жуда тез 12-13 кунда босиб ўтиб манзилга келишган. Айниқса, қиш ойларида қочиб ўтаётган аҳоли қаттиқ қийинчиликларга дуч келган. Бундай вақтларда довон очлик ва совуқдан қирилиб кетган одамларнинг ўликлари билан тўлиб кетган[8]"лиги ҳақидаги маълумотларни ўз ҳисоботларида қайд этган. Туркистон Генерал Губернаторлиги ахбротларида ҳам Терек довон орқали қочиб келаётган қашқарликлар совуқдан музлаб қолаётгани уларга тиббий ёрдам зарурлиги билдирилган. Ҳукумат кўрсатмаси билан Ўш шаҳрида вақтинчалик шифохона барпо этилади ва унда 20 тагача одам даволаниши мумкин эди[9]. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори томонидан Тошкентга юборилган бир неча ахборотларида моддий ёрдам сўраб мурожаат қилинган. Масалан, 1877 йил 29 декабрдаги телеграммасида қашқарлик қочоқларга ёрдам бериш кераклиги баён этилган. Бу далиллар Шарқий Туркистонаги вазиятнинг оғирлиги ҳақидаги сайёҳлар

маълумотлари тўғрилигини тасдиқлайди.

Келаётган маълумотларда Хитой маъмурлари ва ҳарбийлар томонидан Шарқий Туркистоннинг маҳаллий аҳолисига оғир мажбуриятлар юклангани, ўлкада вайронгарчиликлар бошланиб, деҳқонлар ерлари тортиб олиниб, уларнинг ўзи чекка ерларга ҳайдалгани айтилган. Хитой ҳукумати халққа нисбатан янги солиқ ва тўловлар жорий қилиш билан ҳам чекланмай маҳаллий садогарларга алоҳида мол олиб келгани учун ва мол сотиб олгани учун ҳам махсус солиқлар белгилаган. Хитой билан муносабатларни бузмасликка ҳаракат қилган, савдо-иқтисодий масалаларни тинчлик асосида бўлишини таъминлаган Қўқон хони ҳамиша хўжалар масаласидан қочишга, муаммога аралашмасликка уринган. Мазкур масалада юзасидан дейди, Шарқий Туркистон ҳақида батафсил маълумотлар беришга ҳаракат қилган немис сайёҳи ва олим К.Риттер, шунингдек, Ч.Валиханов, А.Куропаткинлар тасдиқлагандек, - Қўқон хони Умархон(1810-1822 й) даврида хитой-манжурлари билан махфий битим тузилган[10]. Мазкур маълумотлар уларнинг қўлёзмаларида келтирилган.

Ҳарбий консул вакиллар томонидан Шарқий Туркистондан юборилаётган мазкур маълумотлар Россиянинг босқинчилик манфаати назаридан эътиборга олинади. Икки географик минтақа ўртасида қизгин кечган ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларда "андижонлик" савдогарлар етакчи бўлган. Ҳатто, улар давлатдан-давлатга кўчиб юриш ҳуқуқига эга эдилар. Ўлкада "андижонлик"ларнинг кўпайиб боришдан ташвишга тушган Хитой ҳукумати улар билан муносабатларни тартибга солишга уринган[11], бу маълумотлар ҳарбий консул Н.Петровский томонидан Россия ҳукуматига юборилганди. Қашқардаги сиёсий ҳунрезликлар авж олаётгани, иқтисодий қийинчиликлардан эзилган аҳоли мардикорлик, умуман тирикчилик мақсадида Фарғона водийсига кетаётгани ҳарбийлар ҳисоботларида баён қилинади. Бундай маълумотлар Туркистон Генерал губернаторлиги канцелярияси архиви туркумида сақланган. Олинган маълумотлар сиёсий мақсадлар йўлида қўлланилган. Вазият тақозо этгани боис, фурсатни қўлдан бермаган икки империя ўзаро келиишувга эришади. Яъни, 1881 йил 12 февралда Рус-Хитой ҳукуматлари ўртасидаги "Петербург" шартномасининг имзоланган. Шартномада Россия ҳудудига кўчиб ўтишни хоҳлаганларга танлаш имконияти берилган, Шарқий Туркистоннинг Или водийси ҳудуди Хитойга қайтарилган, хитойликларнинг зулми остида қолишдан кўра кўпчилик шарқий туркистонликлар Рус подшосига қарашли ерларга кўчишни маъқул кўрган. Бу албатта, иккинчи давлат манфаатига мос келди, аҳолининг кўпайиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, солиқ ва тушумларнинг ошишига олиб келди.

4.Хулосалар:

Хулоса сифатида шунини айтиш жоизки, Шарқий Туркистондаги бундай жараёнлардан хабардор бўлган бўлган Чор ҳукумати ўз манфаатини кўзлаб уйғурларни плацдарм сифатида уларни чекка, кам ўзлаштирилган, Хитойга яқин бўлган чегара ҳудудларига жойлаштиришга ҳаракат қилади. Вазиятни ўз фойдасига ҳал қилишга уринган ҳукумат чегара ерларга келиб ўрнашган уйғурларни ўн йиллар давомида солиқ тўловларидан озод қилади. Оила хўжалигини тиклаб олишлари ер ҳам ажратиб берилган. Ўз ватанларидаги оғир иқтисодий аҳволдан безор бўлган шарқий туркистонлик уйғурлар бундай имкониятлардан хабардор бўлгач, бу ерга кўчиб кела бошлади. Дарҳақиқат, ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашлари, тиббий ва иқтисодий ёрдам қочиб келаётган уйғурлар сони янада кўпайишига сабаб бўлган. Қашқардан юборилаётган ахборотлар, сайёҳлар,

тадқиқотчи-шарқшуносларнинг маълумотлари эса Россия манфаатига хизмат қилди.

Ҳозирга қадар уйғурларининг этник тарихи, турмуш тарзи, маданияти қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Шунга қарамай, уйғурларнинг урф-одатлари, моддий ва маънавий маданиятининг ўзига хос томонлари, ва интеграция жараёнларини ўрганиш катта илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007. - Б.41. (Hodjaev A. The Great Silk Road: Relationships and Destiny. - Tashkent: State Scientific Publishing House of the National Encyclopedia of Uzbekistan, 2007. - P. 41.)
2. Исмоилов И. Уйғурларвауйғуршунослик. - Тошкент: Фан, 1969. - 82б. (Ismailov I. Uyghur and Uyghur. - Tashkent: Fan, 1969. - 82 p.)
3. Валиханов Ч. Ч. Собрание сочинение. - Алма-Ата: АН КазССР, 1961. - С.131. (Valikhanov Ch. Ch. Sobranie hairinenie. - Alma-Ata: AN KazSSR, 1961. - P.131.)
4. Пржевальский Н.М. Этнографическое изучение уйгуров в 70-80-х годах XIX века // Этнографическое изучение уйгуров Восточного Туркестана русскими путешественниками второй половины XIX века. - Алма-Ата, 1975. - С.71. (Przevalsky N. M. Ethnograficheskoe izuchenie uighurov в 70-80-х-god XIX veka // Ethnograficheskoe izuchenie uighurov. - Alma-Ata, 1975. - p. 71.)
5. Певцов В. М. Путешествия в Кашгарию и Кунь-Лунь. - М.: Госиздат, 1949. - 325 с.; (Pevtsov V. M. Puteshestviya in Kashgariya and Kun-Lun. - M.: Gosizdat, 1949. - 325 pp)
6. Наливкин В.В. Краткая история Кокандского ханства. - Казань, 1886. - С.126. (Nalivkin V.V. Краткая история Kokandskogo khansstva. - Kazan, 1886. - p.126.)
7. Бухорий Мирза-Шамс. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. - Казань: Университет, 1861. - С.40- 48. (Bukhara Mirza-Shams. O nekotrykh sobyitiyah in Bukhara, Hokande i Kashgare. - Kazan: University, 1861. - P.40- 48)
8. Куропаткин А.Н. Очерки Кашгарии. - СПб.: 1878. - С.119. (Kuropatkin A. N. Ocherki Kashgarii. - SPb: 1878. - p. 119.)
9. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1. 16-рўйхат. 2363-йифма жилд, 60-в. (National Central State Archives of Uzbekistan, I-1. List 16. Volume 2363, 60 c.)
10. Землеведение К. Риттера. Восточный или Китайский Туркистон (с примечаний В.В. Григорьева). - Вып 2. - СПб.: 1873. - С.457. (Zemlevedenie K. Rittera. Vostochny или Kitayskiy Turkestan (by Primichani VV Grigoreva). - Vyp 2. - SPb: 1873. - p. 457.)
12. Петровский Н. Отчет Императорского Российского Консульства в Кашгарь. - СПб, 1885. - С. 46. (Petrovsky N. Отчет Imperatorskogo Rossiyskogo Consulstva в Kashgar. - SPb, 1885. - p. 46.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000